



ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МЎЛЛИЙ ИШОН ҲАМКАШИ
INVA

2007 йил 28 сентябрь, жума № 41 (639)

АДОЛАТ

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛИЙ САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни билан танишиш учун 27 сентябрь куни Жиззах ва Сирдарё вилоятларига ташриф буюрди.

Мамлакатимиз пахта дала-ларида ҳосил чўғи ҳар йилгидан баланд. Деҳқонларимиз пешона тери эвазига етиштирилган «оқ олтин»ни нест-нобуд қилмай йиғиб олиш учун ғайрат камарини маҳкам боғлаган.

Юртимизнинг улкан пахта хирмонига Жиззах вилояти миришкорлари ҳам муносиб улуш қўшадилар. Шуниси эътиборлики, Жиззах юртимизда фермерлик тизимига биринчи бўлиб тўла ўтган вилоятлардан. Вилоятда қишлоқ ҳўжалигининг барча тармоқларида ҳосилдорлик муттасил ошиб бормокда. Масалан, 2003 йилда пахтачиликда ҳосилдорлик ҳар гектар ердан 16,1 центнерни ташкил этган бўлса, 2006 йили у 23,4 центнерга етди.

Вилоятдаги салкам 10 минг фермер ҳўжалигидан 5 мингта яқини пахтачилик билан машғул. Ўтган йили етиштирилган пахта ҳосилининг 98,1 фоизи фермерлар ҳўсасига тўри келди. Жиззахлик миришкорлар бу йил 255 минг 326 тонна қимматбаҳо ҳомашё тайёрлашни мўлжаллаган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг вилотта ташрифи Жиззах туманидаги Абдунаби Абдураҳмонов раҳбарлик қилган «Қўрғонтепа» фермер ҳўжалиги даласида мазкур ҳудуддаги фермерлар, теримчилар, қишлоқ аҳли вакиллари билан учрашувдан бошланди. Давлатимиз раҳбари мустақил

лик йилларида юртимизда амалга оширилган ислохотлар, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ўзгаришлар, жамиятимиз ҳаётидаги демократик янгиланишлар одамларнинг онги ва дунёқарашида, турмуш тарзида қандай акс этаётгани билан қизиқди.

— Кишиларимизнинг ҳаёти фаровонлашгани сари, табиийки, уларнинг талаби ва диди ҳам юксалиб, замонавий турмуш шароитига мос тарзда эҳтиёжи ҳам ортиб боради, — деди Президентимиз. — Яқиндагина автомобил йордошларимиз учун ҳў ҳавас ҳисобланган бўлса, бугунги кунда у одатдаги транспорт воситасига айланди. Қишлоқ жойларда машиналарнинг кўпайиши одамларимизнинг имкониятлари тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Аёллар, ёшлар мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган турмуш шароитини яратиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилаётгани, юртимиз кундан-кунга ободонлашиб, ҳалқимиз ҳаёт даражаси юксалаётгани, янги маҳалла марказлари, йўллар бунёд этилаётгани, аҳоли даромади ортаётгани, энг чека қишлоқларда ҳам замонавий таълим масканлари, спорт иншоотлари қад ростлаётгани ҳўсудда мамнуният билан сўзладилар.

— Янги ўқув йилида биз яшайдиган «Тоқчилик» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда 750 ўринли икчимий-икти-

содиёт касб-ҳўнар коллежи ишга туширилди, — деди Меҳри опа Эрматова. — Набирам ўшбу таълим масканининг ўқувчиси бўлганидан бошим осмонга етди.

— Ҳўнари бор ҳўр бўлмас экан, — дея сўхбатга қўшилди Ўзбекистон Қўрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, «Қўшсева Парда» фермер ҳўжалигининг раҳбари Парда Зиёдов. — Истиқлол шарофати билан зарур соҳалар мутахассислари қишлоқнинг ўзида етишиб чиқаяпти. Бу мамлакатимизда юртимиз тараққиётини, ҳалқимиз, айниқса, ёш авлод келажагини ўйлаб амалга оширилаётган улў ишларга бир мисол. Бундай залворли ютуқларни барча соҳаларда кўриб, нафақат гўвоҳи, балки ана шу ҳайрли юмушларнинг фаол иштирокчилари бўлаётганимиздан жўда фўрланамиз.

Юртбошимиз фермернинг даласини кўздан кечирар экан, қандай пахта навларини экани, пахтачиликдан қанча даромад олаётгани билан қизиқди. Вилоятнинг ўзига ҳўс иқлим шароитини, сув танқислигини ҳўсбга олган ҳўлда маҳаллий навларни етиштириш масаласига алоҳида тўхталди.

— Ҳўр бир ҳўдуднинг, жумладан, Жиззах вилояти туманларининг ҳам ўз истиқболли пахта навлари бўлиши керак, — деди давлатимиз раҳбари. — Маҳаллий шароитга мос

янги навларни танлаш ва жўрий этишда олимлар, мутахассислар фермерларга кўмак бериши, бу борада кўнл билан изчил иш олиб боришлар даркор.

Мамлакатимиз раҳбари Пахтакор туманидаги «Усмон бобо» фермер ҳўжалиги даласида бўлган учрашўда пахтанинг эртапишар, серҳўсил, тола сифати юқори ва касалликларга чидамли навларини кўпайтириш ҳўр томонлама, айниқса, фермернинг даромади ошишида мўҳим омил бўлишига эътиборни қаратди.

— Етти йилдан бўён фермерлик қиламан, — деди мазкур фермер ҳўжалиги раҳбари Жўрабўй Мўсурмонов. — Мавжуд 21 гектар ер майдонимизнинг 8 гектарида пахта етиштирдик. Ўтган йили «Ан-Бўёв-2» навини экиб, ҳўр гектар ердан 36 центнердан ҳўсил олдик ва пахтачиликнинг ўзидан 12 миллион сўм даромад қилдик.

Юртбошимиз Дўстлик туманидаги «Қаландар Гўлбўй» фермер ҳўжалиги далаларида ҳам бўлди. Фермер ҳўжалиги раҳбари Дилшўд Шўдиев ўтган йили 31,7 миллион сўм даромад қилган. Бу даромаддан янги ўй қўрган, дала шийони барпо этган, «Нексия» сотиб олган. Икчимий ҳўмоя йилида туман марказий касалхонасига бир миллион сўм, ёрдамга мўҳтож оилаларга бир тонна бўғдой ва сигир берган.

(Давоми 2-бетда)

ЭҲТИРОМИМ СИЗГА, УСТОЗЛАР!



Устоз ва мураббийлик қадимдан шарафли касб сифатида улўғланиб келинган, эл-юрт эъзўида бўлган. Бўзунги кунда ҳам уларнинг меҳнати алоҳида қадрлаб келинмоқда. Мамлакатимизда 1997 йилдан бўён

1 октябрь — Ўқитўвчи ва мураббийлар кўни умумҳалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Бў давлатимиз томонидан соҳа ҳўдимларига бўлган юксак эътибор, юксак эҳтиромдир. Республика Ҳалқ таълими

вазирлиги томонидан ташкил қилинган «Ўқитўвчи шахси ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни» мавзўсидаги тадбир ҳам ана шу умумҳалқ байрамга бағишланди. (Давоми 4-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТўҒРИСИДА АХБОРОТ

2007 йил 26 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда 2008 йил учун макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сибсати концепцияси, шўнингдек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетли лойиҳаси мўҳокама қилинди. Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев олиб борди.

Мажлис мўҳокамасига киритилган мамлакатимизнинг келгўси йил учун асосий иктисодий ҳўжатлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосари, Молия вазири Р.Азизов сўзга чиқди. Маърузида ҳўкуматга кўриб чиқиш учун киритилган ҳўжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазир-

лар Маҳкамаси ва Президент Девонининг 2007 йил 30 августда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган мамлакатимиз иктисодиётини янада ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг энг мўҳим устувор йўналишларига асосланганлиги таъкидлаб ўтилди.

Иктисодиёт вазирлиги Б.Хўжаев, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев, Давлат божхона қўмитаси раиси С.Носиров, Савдо-санот палатаси раиси А.Шайхўв, Тошкент шаҳар ҳўкимси А.Тўхтаев ҳамда бир қатор ҳўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарлари, кичик ва ҳўсўсий бизнес вакилларининг чиқишларида иктисодий ўсишнинг барқарор юқори сўрьатларини сақлашга, иктисодиётни таркибий ислоҳ қилишни, модернизациялашни, базавий тармоқларни техник ва тех-

нологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни таъминлашга, инвестициявий мўҳитни яхшилашга, кичик ва ҳўсўсий тадбиркорликни кўллаб-қувватлашга йўналтирилган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда Иктисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг ялғи ички маҳсўлотининг юқори реал ўсиш сўрьатларини камда 8 фоиз даражасида бўлишини, санот тармоқларини 9,6 фоиз миқдорда жадал ўстиришни, капитал кўйилмалар ҳажмини 16 фоизга кўпайтиришни, инфляцияни аҳолининг реал даромадларини жадал ўстирган ҳўлда 6-8 фоиз даражасида сақлашни кўзда тутувчи 2008 йил учун макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози бўйича тақлифлари кўллаб-қувватланди.

(Давоми 2-бетда)

Сафдошларимиз ҳақида ҳўкоялар

ҚОБИЛЖОННИНГ ҲИММАТИ

Ҳўжабод туманида саҳоватмалаб ҳўмий тақсирлар, тадбиркорлар томонидан кўллаб ташкил сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Улар орасида «Адолат» социал-демократик партияси аъзолари борлиги, айниқса қўвонарлидир.

Партия фаоли, тадбиркор Қобилжон Мамадалиев олиб бораётган ишлардан ҳўжабодликлар мамнун. Ўтган йили унинг сай-ҳаракати билан тумандаги Жўмий номли маҳалла фуқаролар йиғини биноси таъмирдан чиқарилди, юмшўк ва каттиқ жиҳозлар олиб берилди.

— Андижонни кўркам ва обод вилотта айлантйрлик! — шўри остида ўтказилаётган анъанавий фестивалнинг туман босқичида айнан бизнинг фуқаролар йиғинимиз биринчи

ўринни кўлга киритди, — дейди МФЙ раиси Б.Ҳамидов. — Бундай натижага эришишимизда тадбиркорнинг катта улўши бор. Айни кўнларда Қобилжоннинг ташаббуси билан маҳаллада гузар, ўйингоҳ, маийий хизмат кўрсатиш уйи ҳам қурилмоқда. Қолаверса, маҳалламиздаги кам таъминланган З.Эштова оиласига бир бош қўрамош унинг ҳўмийлигида олиб берилди.

— Сафдошимиз Қобилжон Мамадалиевнинг эл-юрт фаровонлиги йўлида-

ги бундай олижаноб ишларига кўпчилик ҳавас қилиб, партиямизга аъзо бўлиш истагини билдиришяпти, — дея сўхбатга қўшилади «Адолат» СДП туман Кенгаши биринчи котиби А.И.Ўлдошев. — Ишонанамки, партиядошларимиз орасида Қобилжондек ҳимматли, саҳоватпеша инсонлар кўллаб топилди. Уларнинг сафи қанчалик кўп бўлса, юкимиз асло ерда қолмайди. Дарвоқе, қурилиши даром адаётган янги маҳалла гузари фойдаланишга топширилган, 25 киши доимий иш билан банд бўлади. Айни кўнларда эса Қобилжон маҳалланинг энг чека қисмига тоза ичимлик суви келтириш ҳаракатида.

Азамат МАҲМУДОВ,
«Адолат» мўхбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

26–27 сентябрь кўнлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши тақлиф этган кўн тартибини тасдиқладилар.

Бюджет ва иктисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Қ.Тошматов «Бюджет тизими тўғрисида»ги ҳамда «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қўнунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қўнун лойиҳасини тақдим этди. Барча сибсий партиялар фракцияларининг вакиллари иштирок этган савол-жавоблар ва мўҳокамадан сўнг депутатлар мазкур Қўнунни қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳўқўқ масалалари қўмитаси аъзоси Ф.Ражабов «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қўнун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. Ҳўжжатнинг моддама-модда мўҳокамаси чоғида депутатлар уни янада такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар киритдилар ва мўлоҳазалар билдирдилар. Депутатлар баён этган фикрларни ҳўсбга олган ҳўлда айрим нормаларнинг таърифларига аниқлиқ киритиш мақсатида қўнун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича ишларнинг давом эттиришга қарор қилинди.

Депутатлар Қонунчилик ва суд-ҳўқўқ масалалари қўмитаси аъзоси А.Тўхташев томонидан тақдим этилган «Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қўнунга ҳилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кўчатирилганлиги мўносабати билан Ўзбекистон Республика-

сининг айрим қўнун ҳўжжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қўнун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ҳўр бир модда батафсил мўҳокама этилганидан сўнг депутатлар келиб тушган тақлифларни инобатга олган ҳўлда Қўнунни қабул қилдилар.

Ағар, сўв ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раисининг ўринбосари У.Вафоев «Санот, газ таъминоти ва қўн назорати соҳасидаги бошқарув такомиллаштирилганлиги мўносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳўжжатларига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қўнун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Ҳўжжати моддама-модда мўҳокама этиш чоғида киритилган тақлифларни ҳўсбга олган ҳўлда Қўнунчилик палатаси Қўнунни қабул қилди.

«Тадбиркорлик сўбъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш мақсатида Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳўжжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қўнун лойиҳасини Бюджет ва иктисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси А.Тўхтабев тақдим этди. Савол-жавоблардан сўнг ҳўжжатнинг моддама-модда мўҳокамаси бўлиб ўтди, унда депутатлар мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳўқўқий негизини янада такомиллаштириш зарурлигини таъкидлаб, қўнун лойиҳасининг нормаларини такомилга етказишга қаратилган қатор тақлифлар ва фикр-мўлоҳазалар киритдилар.

Қонунчилик палатаси кўн тартибига киритилган қўнун лойиҳалари мўҳокамасини 2007 йил 2 октябрда давом эттиради. (ЎзА)

«АДОЛАТ» СДП: ТАШАББУС ВА ТАДБИРЛАР

Пастдарғом туман партия Кенгаши ташаббуси билан «Мустақиллик — улўғ нўъмат» мавзўсида тадбир ўтказилди. Унда мамлакатимизда амалга оширилган тўб ислохотлар юзасидан фикр алмашилди.

Бўғот туман Кенгаши фаоллари ёшларнинг ҳўқўқий маданиятини оширишга қаратилган «Ёшлар минбари»ни ташкил қилишди. Навбатдаги йиғин тумандаги Ма-

иший хизмат касб-ҳўнар коллежи ўқувчилари иштирокида ўтказилди.

Хонқа туман «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасида туман партия Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Адолат» СДПнинг дастур ва вазифаларига бағишланди.

Избоскан туманидаги Агросаноат коллежида «Бўр бўлинг, азиз она-жонлар!» деб номланган маънавий-маърифий

тадбир бўлиб ўтди. Унда «Адолат» СДП туман Кенгаши, туман хотин-қизлар Кенгаши, «Нуроний» жамғармаси, «Ижодкор аёллар» уюшмаси вакиллари қатнашди.

Жалолқўдуқ туман Кенгаши ташаббуси билан «Камолот» ЕИҲ туман бўлими ҳамда «Микрокредит банк» филиали ҳўдимлари билан ҳамкорликда ёш оилаларни кўллаб-қувватлашга қаратилган тадбир бўлиб ўтди.

Фракция йиғилиши ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МЎҲОКАМАДА

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда кўн тартибидан ўрни олган бир неча қўнун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Фракция аъзолари дастлаб «Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳўжжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қўнун лойиҳасини мўҳокама қилишди. Айтиш лозимки, ўшбу қўнун лойиҳаси Президентимизнинг 2007 йил 20 июлдаги «Инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори 7-бандининг ижросини таъминлаш мақсатида иш-

лаб чиқилган. Мазкур қарор билан мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва ҳўсўсийлаштиришнинг янгиланган дастури тасдиқланиб, давлат рақам белгиси ясама ёки ўзга усулларда ўзгаририлган, шўнингдек, давлат рақам белгилари бошқа транспорт воситаларига бириктирилган транспорт воситаларини бошқарганлик учун жавобгарликни кўчатириш назарда тутилган.

Ички ишлар вазирлигининг маълумотига кўра, шў йилнинг биринчи ярим йилида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 125-моддаси 4-қисмида назарда тутилган ҳўқўқбузарликлар сони ўтган йилнинг биринчи ярим йилигига солиштирилганда 3,4 фоизга (2167 тадан 2241 тагача) ортган. Бўнинг олдини олиш мақсатида қўнун лойиҳаси билан МЖТга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан аъзоси Алиқўл Эрдонаев сўзга чиқиб, қўнун лойиҳасининг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Таъкидландики, Юртбошимизнинг 2007 йил 20 июлдаги «Иктисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини ҳўсўсийлаштириш жараёни-ларини чўқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони-га мўвфиқ, шў йилнинг 1 августидан бошлаб мамла-

кат иктисодиёти учун устувор аҳамиятга эга бўлган стратегик тармоқларнинг устав капиталига давлат улўши бўлмаган ёки бу улўши 25 фоиздан ошмайдиган акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокнинг маҳсус чекланган «олтин акция» тамойили жўрий этилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қўнун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан қизгин мўҳокама қилинди. Унда транспорт давлат рақам белгиси ясама ёки ўзга усулларда ўзгаририлган, шўнингдек, давлат рақам белгилари бошқа транспорт воситаларига бириктирилган транспорт воситаларини бошқарганлик учун жавобгарликни кўчатириш назарда тутилган.

Ички ишлар вазирлигининг маълумотига кўра, шў йилнинг биринчи ярим йилида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 125-моддаси 4-қисмида назарда тутилган ҳўқўқбузарликлар сони ўтган йилнинг биринчи ярим йилигига солиштирилганда 3,4 фоизга (2167 тадан 2241 тагача) ортган. Бўнинг олдини олиш мақсатида қўнун лойиҳаси билан МЖТга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан аъзоси Алиқўл Эрдонаев сўзга чиқиб, қўнун лойиҳасининг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Таъкидландики, Юртбошимизнинг 2007 йил 20 июлдаги «Иктисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини ҳўсўсийлаштириш жараёни-ларини чўқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони-га мўвфиқ, шў йилнинг 1 августидан бошлаб мамла-

Ийғилишда, шўнингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қўнун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП матбуот хизмати

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛИЙ САМАРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)
Давлатимиз раҳбари кузнинг ганимат кунларидан унумли фойдаланиб, ҳосилни тезроқ териб олиш ҳам деҳқон манфаатлари талаби, ҳам фермер зиммасидаги масъулият эканини таъкидлади.

Ислон Каримов вилоят фермерлари билан мулоқот чоғида Жиззах вилоятида қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш соҳасида эришилган ютуқларни қайд этиш баробарида, мавжуд муаммоларга ҳам тўхталди. Вилоятда давлатга пахта сотиш борасида бу йил бироз кечикиш кўзга ташланмоқда. Бунинг сабаблари айрим ҳўжаликларда агротехник тадбирларни амалга оширишда камчиликларга йўл қўйилган. Ғузани қилиш ва баргини сўнийи тўкиш ишларида агротехник талабларга риоя қилинмагани оқибатида пахтанинг пишиши бироз кечиккан.

Жойларда ирригация иншоотларини барпо этишда муайян натижаларга эришилди. Лекин мелиорация соҳасида амалга оширадиган ишларимиз ҳали анчагина, — деди Президент. — Шу мақсадда 2008 йилда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун давлат бюджетидан сарфланадиган маблағ миқдорини жорий йилдагига нисбатан бир неча баравар оширишни мўлжаллаяпти.

Истиқлол туфайли фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Фермерларнинг мулк эгаси бўлишига, уларда мулкдорлик ҳисси уйғо-

нишига эришилди.

— Фермерларимиз нафақат далада ишлайдиган деҳқон, айнаи чоғда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига, одамларнинг уй-ташвишларига шериқ бўлиш масъулиятини зиммасига оладиган илгор синфга айланмоқда, — деди Ислон Каримов. — Шу боис улар ишлаб чиқариш билан қиёяланиб қолмасдан, ижтимоий муаммолар билан ҳам чуқурроқ шуғулланиши, юртимизда давом этаётган ислохотлар жараёнида янада фаолроқ иштирок этиши даркор.

Урашувлар давомида жиззахлик фермерлар давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» маърузасини диққат билан ўқиб чиққанларини айтди. Маърузада истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган буюк ўзгаришлар ҳаётий, ҳаққоний мисоллар асосида чуқур таҳлил этилган.

Сирдарё вилояти ҳақида, унинг мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрни, бугуни ва истиқболли хусусида гапирилганда кўпгина бошқа вилоятлардан фарқ қиладиган, нисбатан мураккаб ер-сув шароити тилга олинган эди. Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар, жумладан, фермерлик ҳаракатининг ривожланиши бундай қарашларни тубдан ўзгартирди. Узок йиллар қолоқ ҳудуд саналиб келган Сирдарё сўнгги йилларда оёққа туриб, иқтисодий имкониятлари кенг эканини исботламоқда.

Ислон Каримов Сирдарё

вилоятида иқтисодий салоҳияти, ер-сув шароити бир-бирдан фарқ қиладиган уч туман фермерлари билан суҳбатлашди.

Сардоба — чўл ҳудудида жойлашган туман. «Бахмал» фермер ҳўжаликлари уюшмасида қишлоқ мулкдорлари билан учрашган Президенти фермерлик шунчаки ҳавас эмас, машаққатли меҳнат, кунт, чидам ва фидойиллик талаб қиладиган касб эканини таъкидлади.

— Бу соҳада ҳам ҳар ким имкониятига, салоҳиятига, билимига қараб иш юритади, — деди Президентимиз. — Қайсидир фермернинг 40 гектар, бошқасининг 600 гектар ери бор. Фермер ишига унинг ери оз-қўплигига қараб эмас, ҳар гектар ердан оладиган даромадди, соф фойдасига қараб баҳо бериш тўғриси бўлади.

Юртбошимиз фермерларнинг ушбу масала бўйича фикрлари билан қизиқди.

— Фермер ҳўжалигимиз 1994 йилда ташкил этилган, — дейди «Абдулла Қодирий» фермер ҳўжалиги раҳбари Асатилла Бердиқулов. — Дастлаб 300 гектар ер олган эдик. Ишни юритиш осон бўлмади. Секин-аста оёққа турдик. 2000 йилдан бошлаб ҳар йили қўшимча ер олиб, умумий майдонимизни 650 гектарга етказдик. Йигирмадан зиёд техникамиз бор. Ҳўжаликда 75 киши меҳнат қилади. Утган йилни 180 миллион сўм соф фойда билан якунладик.

— Бир пайтлар 650 гектар ер бутун бир колхознинг ери ҳисобланар эди, — деди Президентимиз. — Колхознинг бошқарув тизимида 30-40

киши, далада эса камида мингга яқин одам меҳнат қиларди. Қишлоқ ҳўжалигида олиб борилган ислохотлар туфайли шунча ерда бугун қанча одам ишляпти, қанча даромад оляпти — мана шу ҳўжалик мисолида яққол кўриб турибмиз.

Юртбошимиз бир масалага алоҳида эътибор қаратди. — Ишловчиларда боқимандалик кайфиятининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик лозим. Агар ҳамманинг — яхши ишлаганининг ҳам, қўл учиди меҳнат қилганининг ҳам манфаатдорлиги бир хил бўлса, ахвол эски ҳаммом, эски тослигича қолади, — деди Президентимиз. — Ҳўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлиги нафақат уларнинг меҳнатига, балки ишга муносабатига, ташаббускорлигига ҳам қараб белгилашни керак.

Оқолтин туманидаги «Со-биржон Сиддиқов» фермер ҳўжаликлари уюшмаси фермерлари билан суҳбатлашган Юртбошимиз бир пайтлар 16-17 центнер ҳосил берган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланган, ҳосилдорлик кескин ошганини таъкидлади.

— Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиламасдан, шўрланишга қарши чора кўрмасдан туриб, юқори ҳосил олиш киин, — деди давлатимиз раҳбари. — Бунинг учун дренажларни, кол-лекторларни тартибга солиш керак. Аммо бу муаммони фермернинг ўзи ҳал қилолмайди. Унга давлат ёрдам бериши керак. Ҳар қандай тараққий этган мамлакатда ҳам қишлоқ ҳўжалиги соҳаси давлат томонидан

дан молиявий қўллаб-қувватланади.

Суҳбат давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар бераётган самаралар, аҳолининг турмуш даражаси, онги ва дунёқарашини нечоғли ўзгариб бораётгани хусусида фикр алмашилди.

Бир пайтлар Мирзаобод туманида пахта етиштириб бўлмайди, деган фикр билан ушбу ҳудудда пахта экиш тўхтатилган эди.

Шу тумандаги «Бўрибек» фермер ҳўжалиги далаларида фермерлар билан учрашган Президентимиз суҳбатини шу мавзудан бошлади.

— Эски тўзум пайтида бу ерда яшайдиган одамларнинг тақдирини, уларнинг турмуш шароити, манфаатдорлиги ва рағбатлантирилиши ҳақида ҳеч ким ўйламаган, — деди Ислон Каримов. — Бугун ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Фидокорона меҳнат қилиб, юқори ҳосилдорлик ва юксак даромад олишга эришаётган мирзаободлик фермерлар эскича қарашлар нотўғри эканини амалда исботламоқдалар.

Юртбошимиз бугун қишлоқ мулкдорлари замон талаблари асосида иш олиб боришлари, ҳудудда қорвачилик ва саноатни ҳам ривожлантириш лозимлигини таъкидлади. Бу нафақат уларнинг ўзига, балки бутун мамлакатимиз иқтисодиётининг янада юксалишига хизмат қиладди.

Ғулом МИРЗО, Тошқул БЕКНАЗАРОВ, Воҳид ЛУҚМОНОВ, Дилором ЭСОНОВА, ЎЗА махсус мухбирилари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНING МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АҲБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мажлисида биринчи навбатдаги вазифалар қаторида тўловлар интизоми янада мустаҳкамлаш, Давлат бюджетига солиқлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тушумлар йиғиш даражасини ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Қадрлар тайёрлаш, мактаб таълимининг ривожлантириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислох қилиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини бажаришга биринчи навбатда йўналтирилаётган бюджет маблағларининг тежамли ва самарали ишлатилиши масалалари Халқ таълими вазири Т.Жўраев, Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, бюджетдан маблағ олувчи бир қатор идоралар ва муассасалар раҳбарларининг чиқишлари марказида бўлди.

Муҳокама чоғида 2008 йил учун солиқ ва бюджет сиёсатини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини параметрларини янада такомиллаштириш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқилди.

Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, шу асосда аҳолини иш билан таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш масалаларини ҳал этиш учун қўшимча рағбатлар яратиш мақсадида микрофималар ва кичик қорхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасини 10 фоиздан 8 фоизгача камайтириш тақлиф этилди.

Ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш, инвестициявий жараёнларни фаоллаштириш, қорхона-ларни модернизация қилиш, техника ва технологиялар билан қайта жиҳозлашни рағбатлантиришни мўлжаллаган ҳолда солиқ юқини изчил қисқартириш мақсадида табиий газга акция солиғи ставкасини 5 фоизли бандга ва тижорат банклари учун фойда солиғи ставкасини 2 фоизли бандга камайтириш, республикада ишлаб чиқариладиган бир қатор халқ истеъмоли товарларига акция солиғини бекор қилиш тақлиф этилди ва солиқ юқини камайтиришга қаратилган бошқа чора-тадбирлар кўриб чиқилди.

2007-2009 йиллар мобайнида иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини 2,5 баравар ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан қўйилган вазифани бажариш учун Вазирлар Маҳкамаси мажлисида 2008 йилги Давлат бюджетини лойиҳасининг харажатлар қисмида бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини изчил оширишга қўшимча бюджет маблағлари ажратилишини кўзда тутиш тақлиф этилди. Шу билан бирга, ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатларнинг Давлат бюджетини лойиҳасининг 54 фоиз даражасига кўпайтириш тақлиф этилди.

Олинадиган солиқлар

микдорини қисқартириш ҳисобига аҳолининг реал даромадларини ошириш тенденциясини сақлаб қолиш мақсадида жисмоний шахсларнинг 13 фоизли ставка бўйича солиқ солинадиган даромадлари чегараларини энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 5 бараваридан 6 бараваригача кенгайтириш тақлиф этилди.

Шу билан бир қаторда, мажлисида таълим муассасаларини бюджетдан режалаштириш ва молиялаштириш янада такомиллаштириш, унумдорлиги паст ерларда пахта етиштирадиган фермер ҳўжаликлари давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини молиялаштириш ҳажмларини тубдан ўстириш бўйича чора-тадбирлар кўриб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан муҳокама натижалари бўйича 2008 йил учун макроиктисодий кўрсаткичлар прогнозини, солиқ ва бюджет сиёсати концепциясини, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини лойиҳасини асосан маъқуллаш ва уларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

2008 йил учун Давлат бюджетининг аниқ параметрлари улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилингандан кейин чоп этилади.

(ЎЗА)



Бошланғич ташилотларда

ҚЎЛНИ БЕРИНГ, ПАРТИЯДОШ!

Самарқанд шаҳрининг «Севали» маҳалласида «Адолат» СДПнинг нуфузи баланд, ҳамкорлари кўп

Маҳалла соғлом ижтимоий муносабатларни ва эркин фуқаролик позициясини шакллантирадиган ўзига хос тарбия маскан. Шу боис, бу муҳитда иш олиб борадиган партия фаоллари ҳар жаҳатдан етук, одамлар билан юзма-юз мулоқотларга тайёр, ҳозиржавоб бўлишлари керак.

Самарқанд шаҳрининг «Севали» маҳалласида ана шундай ишчанлик, ҳамфикрлик ва ўзаро ҳамкорлик муҳити вужудга келтирилган маҳалладошларнинг бошланғич партия ташкилотига нисбатан ишонч-эътиборини оширмоқда. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда айнан «Адолат» СДП вакилларига мурожаат қилишга, кўмак олишга ундамоқда.

Маҳалладаги 500 хонадонда 2500 нафар аҳоли истиқомат қилади. Эътиборлиси шундаки, ўзбек, тожик, арман, корейс, грузин сингари 21 миллат вакили маҳалла ободончилиги ва раванкига баҳоли-қудрат хисса қўшиб келмоқда. Маҳалла оқсоқоли Мухтор Тўйчиевнинг таъкидлашича, бу ерда бир-бирини танимайдиган, зарур дамларда қўллаб-қувватламайдиган кишининг ўзи йўқ. Ҳамма бир оила вакилидек. Бундай ҳам-жихатлик, аниқсиз, Ижтимоий ҳимоя йилида ўз афзалликларини намойён этмоқда. Боқувчиси йўқ кексалар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар маҳалладошларининг доимий мададини ҳис этиб туришибди.

Маҳаллада умргузаронлик қилаётган Эсон бобо Ботиров иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 1-гуруҳ ногирони ҳисобланади. Унинг ҳовлиси

қаровсиз ҳолга келиб, деворлари нураб қолганидан дастлаб партия фаоллари хабар топишди. Маҳаллада муҳокама қилиб чиқишга, тезлик билан ёрдам кўрсатиш йўллари излашди. Ҳомий партиядошлар орасидан — «Ўзавтогаз»нинг вилоят бўлимидан топилиди. Қисқа вақтда зарур қурилиш материаллари етказилиб, Эсон бобонинг ҳовли, уйи таъмирланди.

Ҳудди шу йўл билан маҳаллада яшовчи яна бир фуқаро — Ҳанифа Самиевага уй томини ёпишга кўмаклашилди. Бу ерда маҳалла фаолларининг ақсарияти «Адолат» СДП аъзолари. Ҳуқуқшунос Мамад Асқаров, профессор-ўқитувчилар Тошпўлат Сафаров, Донуқул Рустамов, оддий ишчи Сатдулло Нейматов ана шундай ҳозиржавоб партиядошлардан.

Дарвоқе, маҳалла бошланғич партия ташкилотининг асосини зиёлилар ташкил этгани боис ҳам улар маҳалладошлар ўртасида зарур мавзуларда тарғибот-ташвиқот олиб боришдан, «Адолат» СДПга сафдош ва хайрихоҳлар сонини кўпайтиришдан эринишмайди. Бугун «Севали» маҳалласидаги партия ташкилоти 70 нафар аъзосига бошчилик қилиб, уларни ташаббус кўрсатиб ишлашга ундамоқда. Шаҳар матбуоти

ва телевидениеси орқали уюштирилаётган долзарб мулоқотларда ҳам партия вакиллари тез-тез қўришнингиз, учратишнингиз мумкин.

— Фуқароларда жамиятга, унинг тақдирини нисбатан шахсий масъулият, жавобгарлик ҳиссини қарор топтирганимиз сайин маҳалланинг ўзини ўзи бошқариши осонлашмоқда, — дейди йигин раиси Мухтор Тўйчиев. — Биргина коммунал тўловлар масаласини олайлик. Бу борадаги тушум режаларини кам-кўтсиз уудалла келаятганимиз туфайли яқинда шаҳар ҳокимлигининг қимматбаҳо совғасини кўлга киритди. Фуқароларимизга шундай онгли муносабатни пайдо қилаётгани учун партия фаолларидан миннатдоримиз.

Ҳа, «Севали» маҳалласида бошланғич партия ташкилоти ҳар ишга қодир. Маҳалладошларнинг иш билан таъминлашиш, уй-жойга, мол-мулкка эгалик ҳуқуқларидан фойдаланиш, даволаниш, тадбиркорлик билан шуғулланиш сингари масалалар борки, қонун асосида ҳал этилишига партия кўмақдош. Чўки бугун сиёсий партияларнинг жамиятдаги роли кучайган. Бошқарув идоралари эса ҳаммаотчилик назоратини қўчи — тасиририни сеза бошлашди. Шу боис, муаммага ечим топишда партия билан ҳамкорлик йўлини танлашмоқда. Бу эса ислохотлар ривожини учун гоят муҳимдир.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, «Адолат» мухбири

ВИЛОЯТ ПЛЕНУМЛАРИДА — МУҲИМ МАСАЛАЛАР

Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилоти Сиёсий Кенгашининг VII пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Президенти Ислон Каримовнинг Республика Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар тўғрисида сўз борди.

Ошқоралик, ўзи-ўзини танқид руҳида ўтган Пленумда вилоят партия ташкилотлари фаолиятидаги мавжуд камчиликлар очик-ойдин айтилди. Пленумда иштирок этган Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Зухра Ботирова фуқароларнинг

ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий, маданий саводхонлигини юксалтириш вилоят партия Кенгаши ҳамда қўйи ташкилотлар олдида турган муҳим вазифа эканлигини таъкидлади. Музокараларда Бухоро, Пешку, Когон туман Кенгашлари котиблари Ф.Раҳматов, Х.Холов, Қ.Турсуновлар сўзга чиқди.

«Адолат» СДП Сурхондарё вилоти Кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Собир Турсунов катнашиб, партия Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқа-

диган устувор вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

Шу куннинг ўзида «Адолат» СДП вилоти Кенгаши, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамда Тошкент Давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари иштирокида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига бағишланган кенгайтирилган давра суҳбати бўлиб ўтди.

«Адолат» СДП Андижон вилоти Кенгашининг VII пленуми бўлиб ўтди. Пленумда вилоти Кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлиси Сенати аъзоси М.Хўжабердиев партиянинг давлатимиз раҳбарининг кўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар тўғрисида

сизда маъруза қилди. Сўзга чиққанлар «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг фаолиятини кучайтириш ва ишга ёшдашувни янгилаш концепцияси» — истиқболдаги партия фаолиятининг мезони» мавзусида сўз юритишди.

Пленумда ташкилий масалалар ҳам кўрилди. Бошқа ишга ўтганини боис Қўрғонтепа, Жалақудук, Олтинқўл ва Ҳўжаобод туман Кенгашларининг биринчи котиблари вазифаларидан озод қилиниб, бўшаб қолган ўринларга янги номзодлар сайланди. Пленум якунида намунали фаолият юритаётган қатор шахар ва туман Кенгашлари котиблари, партия фаоллари фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.



Ишлаб чиқариш

ЮТУҚЛАРИМИЗ ОМИЛИ — ҲАМЖИҲАТЛИКДА

дейди «AVESTO SHAMS» қорхонаси раҳбари, «Адолат» СДП Янгийўл шаҳар Кенгаши биринчи котиби Аваз Қосимов


«AVESTO SHAMS» ишлаб чиқариш қорхонаси мустақиллигини дастлабки йилларида ташкил топган. Қорхонанинг асосий фаолияти иккиламчи полимер маҳсулотларини қайта ишлашга йўналтирилган.

Айни пайтда бу ерда зарур халқ истеъмоли моллари, яъни турли ўлчамдаги қувурлар, сархил ичимликлар учун полимер қутилар ҳамда автомобилларнинг бутловчи қисмлари тайёрланмоқда.

Омилкорлик билан иш юритилган жойда, ютуқлар қўлга киритилаверади. «AVESTO SHAMS» ҳам 1999 йили фаолият қўламини кенгайтиришга эришди. Маҳаллий хомашедан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида тикув ва тўкув цехлари ташкил эти-

либ, улар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Натижада бир неча ўнлаб мўким иш ўринлари яратилди. Ҳозир бу ерда бежирим ва сифатли иш кийимлари, қўлқоп сингари тикув маҳсулотлари тайёрланиб, миқозларга етказиб бериляпти.

— Қорхонамиз Россия, Германия ва Венгрия технологиялари асосида жиҳозланган, — дейди қорхона раҳбари. — Бугунги кунга қадар 50 минг тонна полимер чиқиндиларни қайта ишлашга эришилди. Ишлаб чиқариш



ҳажми йилдан-йилга ошиб борапти. Масалан, ўтган йили 80 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг 9 ойи ичида ушбу кўрсаткичга эришилди. Бундай меҳнат зафарларини қўлга киритишимизнинг бош омилли бугунги кун талабларини ҳис қилган ҳолда, жамоамиз билан ҳамжиҳатликда иш юритаётганимиздир. Қолаверса, ишчи-ҳодимларимизнинг манфаатдорлигини таъминлаш ҳам унутганимиз йўқ. Маҳаллийлаштириш дастурига асосан, 2002 йилдан бошлаб Аскадаги «Ўздэу» қўшма қорхонасига бутлов-

чи қисмлар етказиб бериш йўлга қўйилди. Бу эса қорхонанинг иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилди. Дарвоқе, «AVESTO SHAMS»да ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар барқарор талабга эга бўлиб, республикамиздаги саноат қорхоналарига сотилимоқда ҳамда хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Айтганча, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қўшган ҳиссаси учун қорхона «ЭКО-САН» халқаро ташкилоти томонидан мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишлаб «Мустақиллик, экология ва саломатлик» шiori остида

ўтказилган экофестивалда совин билан тақдирланди. Қорхона жамоаси хайрли ишлардан ҳам четда қолгани йўқ. Янгийўл шаҳрини ободонлаштириш ишларида фаол катнашаётган жамоа «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури бўйича ҳам қўллаб ишларни амалга оширмоқда. Янгийўл шаҳри ва туманидаги кам таъминланган оилалар ҳамда Меҳрибонлик уйларида доимий равишда моддий-маънавий кўмак бериб келинмоқда.

Ўқтам ХУДОЙҚУЛОВ, «Адолат» мухбири Н.ҲАЙДАРОВ олган сурачлар.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Избосканлик тадбиркор Мадрахим Хуррамов ва Пойтўз шаҳрида истиқомат қилувчи ишбилармон Қўқор Вунунов бир масаладан анча сарсон бўлишди. Яъни, улар раҳбарлик қилаётган кичик қорхоналарнинг номланиши ўхшашлиги ҳисоботларда қалқашликларни келтириб чиқарди. Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қароридан сўнг бу борадаги муаммолар барҳам топди.

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бўлими ва солиқ инспекцияси ҳамкорликда ишбилармонларга бу борада қулай шароитлар яратиб берапти. Масалан, тадбиркорларни рўйхатдан ўтказишни ихчамлаштириш мақсадида электрон почта алоқаси йўлга қўйилди. Шунингдек, солиқ идорасида алоҳида хоналар тайёрланиб, зарур қўлланмалар, меъёрий ҳужжатлар ва тавсиялар билан

бойитилди. Бундан ташқари, соҳага оид қонунлар ижросини таъминлаш учун Пойтўз шаҳрида, «Шерматобод», «Эркин», «Янгиизмон» каби маҳаллаларда таянч пунктлари ташкил этилиб, мутахассислар иштирокида тушунтириш ишлари олиб бориюмоқда. Айни пайтда хусусий тадбиркорлик субъектларида бу борада кўникмалар шаклланаёпти. Бу ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишида, маҳсулот сифати яхшиланишида яққол кўзга ташланмоқда.



Муносабат

КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Президентимизнинг Республика Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги "Ўзбекистоннинг 16 йиллик муваффақиятлари ва келажакдаги вазоратлари" сарлавҳали маърузасини диққат билан ўқиб чиқиш асосида куйидаги сатрлар эътиборимни ўзига жалб этди: **"Ҳозирги кунда юртимизда таълим соҳасига йўналтирилган харажатлар ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибиде 12 фоиздан ортади. Ҳолбуки, жаҳон таълимида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди"**.


Қаранг-а, шахсан Юртбошимиз ва ҳукуматимиз ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлаш масаласига нечоғли катта эътибор бераётган. Бу халқ ҳужалиги тармоқларини модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ҳамда кенг қамровли вазифаларни ҳал этишда биз, ёш авлодга бўлган жуда катта ишонч демасдир. Айни шу ишонч пойдевори муваффақият

ликка эришилган кунларда ноқ кўйилди. Айниқса, 1997-2009 йилларга мўлжалланган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ижроси йўлидаги саъй-ҳаракатлар диққатга сазовор. Ушбу дастурга кўра, мамлакатимизда 12 йиллик таълим жорий этилиб, узлуксиз таълимнинг яхлит тизими яратилди. У тўққиз йиллик ўрта таълим ва академик лицей ҳамда коллежлардаги уч йиллик касбларга тайёрлаш тизимини ўз ичига олди.

Олий таълимдаги ислохотларни айтмайми? Бақалавр ва магистр тайёрлашнинг замонавий тизими амал қила бошлади. Бу борада Юртбошимиз ўз маърузасида **ҳозир республикамиздаги 65 та олий ўқув юртида 850 та йўналиш ва мутахассисликлар бўйича 350 минг нафарга яқин талаба тахсил олаётганлигини айтиб ўтдилар. Қолаверса, замонавий жиҳозланган ўқув юртларини қуриш учун ҳар йили 5 миллиард доллардан ортиқ маблағ**

йўналтирилмоқдаки, буни ҳам модернизациялаш ва демократик жамият қуриш йўлидаги муаммоларни ҳал қилишга қодир янги авлод кадрларини тайёрлашга бўлган юксак эътибор намунаси, деб баҳолаш мумкин. Шунингдек, бу муваффақиятга қадам қўётган ҳар бир битирувчи йигит-қизга ўз қобилиятини юзага чиқариш, жамиятда муносиб ўрнини топиш, интеллектуал салоҳиятини эълон қилишга йўналтириш каби чексиз имконларни беради. Шу йўлда сарфланган харажатнинг ўзиёқ, юқорида таъкидлаганимиздек, **жаҳон таълимида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмаган бир пайтда, бизда бу мамлакат ялпи ички маҳсулот таркибиде 12 фоиздан ҳам кўпроқ эканлиги** ислохотларимизнинг 16 йиллик сарҳисоби завоқларимиздан ва истиқлол режаларимизнинг реал воқелигидан далолатдир.

Феруза ИСАЕВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси



ИЛК ТОЛА – ЭКСПОРТГА

Иштихон туманидаги «Митанпахта» пахта тозалаш корхонаси толаси яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган Халқаро пахта ярмаркасида экспертларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди.

Жамоа бу йилги мавсумда 28 минг 700 тонна хомашени қабул қилиб, қайта ишлашни режалаштирган. Шу мақсадда 1200 дан зиёд фермер ҳужалиги билан шартнома тузилиб, айни кунларда улар етиштирган ҳосил пешма-пеш қабул қилинмоқда. Ҳозиргача олинган пахтанинг ҳаммаси фа-

кат юқори навларни ташкил этмоқда. Корхонада амалга оширилган кенг қўламли модернизациялаш ишлари ҳам тола сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу тўғрисида мавсумнинг илк кунлариданоқ тайёрланган пахта толаси факат экспортга юнатиляпти.

Суратларда: «Митанпахта» заводи жамоасининг қайноқ ҳаётдан лавҳалар акс эттирилган.

З.ТўРАКУЛОВ
олган суратлар.

ПРЕЗИДЕНТ МАЪРУЗАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Республика Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги маърузаси жойларда атрофлича ўқиб-ўрганилмоқда.

Урганч Туризм касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган давра суҳбатиде Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашларнинг депутатлари, вилоят, шаҳар ва туман «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари раислари, Маънавият тарғибот марказлари раҳбарлари, «Қамолот» ЁИХ ва сиёсий партиялар фаоллари, профессор-ўқитувчилар, талабалар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда мазкур институтнинг «Маҳалла» лойиҳаси раҳбари, юридик фанлари номзоди З.Рўзметов, меҳнат фаҳрийси Л.Асқарова, Республика муслмонлар идораси вакили Д.Абдуқодиқов, «Адолат» СДП вилоят Кенгаши биринчи котиби Н.Эшметов, Маънавият тарғибот маркази Урганч туман бўлими раҳбари Қ.Матчоновлар сўзга чиқди.

Й.ЭШМУРОВ

ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА

«Менежмент. Амалий маҳкама» номли рисолати (Тошкент, 2007 йил) варақлаб ўтириб, шундай хулосага келдим: Китоб муаллифи, Тошкент Архитектура қурилиш институти «Менежмент» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди Равшан Нуриметов бозор муносабатлари даврида корхоналарнинг иқтисодий қийинчиликлардан чиқиш йўллари устида чуқур қиёсий, таҳлилий изланишлар олиб борган, банкрот бўлмаслигининг йўлларида бири замонавий менежмент назарияси ва амалиёти ютуқларидан самарали фойдаланган

ҳолда ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқариш самарадорлигини таъминлаш эканлигини кўрсата билган. «Бозор иқтисодиёти шариоитида минтақавий иқтисодиётни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)» мавзусида докторлик диссертацияси устида иш олиб бораётган ёш олим республикамизда иқтисодий ислохотларнинг самарали амалга оширилиши учун бошқаришнинг турли хил соҳаларида ижобий ўзгаришларнинг юз бериши жуда катта аҳамиятга эга эканлигини китобдан ўрин

олган тўрттала бобда ҳам кенг тушунириб бера олган.

Муаллифнинг Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртлари учун қўлланма сифатида тавсия этилган мазкур китоб унинг сўнгги йилларда докторлик диссертацияси мавзусида ўзимизда ва хорижда эълон қилинган ўндан ортиқ илмий-мақолалари, тақлиф, мулоҳаза тарзидаги қатор тезислари ва муҳокама арафасида турган «Ўзбекистонда минтақавий иқтисодиётни бошқариш масалалари» номли монографияси ҳосиласи дейиш мумкин.



Мухтасар айтганда, иқтисодий ёш олим Равшан Нуриметовнинг мазкур қўлланмаси «бугуннинг рисолати» деб баҳолашга аризуликдир.

Н.САБДУЛЛАЕВ

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «МИКРОКРЕДИТБАҒИК»НИНГ МУБОРАК ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

азиз устозларимизни 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан самимий муборакбод этади

Муваффақиятнинг тилларида ўзбек халқи ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошира бориб, ушбу муваффақиятларга эришибди. Бунда Сиз, азиз устоз мураббийларнинг ҳиссаси беҳисс.
Тилларида – Ватан тараққиёти, торт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги барча саъй-ҳаракатларингиз бароридан келсин.

Барчангизга муваффақият соғлиқ, ишларингизда омад ва муваффақиятлар тиллаймиз! Байрамингиз кутлуг бўлсин, мухтарам устозлар!



ХИЗМАТ ТУРЛАРИ ОРТМОҚДА

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси жадал ривожланмоқда. Хизматлар бозори банк-молия, суғурта, ахборот-коммуникация сингари янги истикболли соҳаларни тараққий эттириш ҳисобига тақомиллашиб бораётган. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни кучайтиришга муҳим замин яратди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида инспекциямиз томонидан қатор ишлар олиб бориладди. Жумладан, шаҳримизда хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолиятини яхшилаш учун қулай шариоит яратиш, уларнинг иқтисодиётдаги улушини кўпайтириш, шу орқали аҳоли бандлиги ва даромади-

ни оширишга эришиш бўйича зарур чоралар кўриломоқда. Ўтган даврда инспекциямизда хизмат кўрсатишга ихтисослашган 8 та ҳўжалик юри-тувчи субъект рўйхатга олинди. Ушбу корхоналар жорий йил яригача аҳолига 139378,1 минг сўмлик хизмат кўрсатди. Бунга «Автомобиль ўқув комбинати» масъулияти чекланган жамияти 135571 минг сўмлик, «Компьютер сервис», «Зиндаги» хусусий корхоналари, «Брок сервис» масъулияти чекланган жамияти 2365 минг сўмлик улуш қўшди. Қарорда белгиланган имтиёзга асосан 3178,7 минг сўм маблағ корхоналар ихтиёрида қолди. Бу маблағ уларнинг моддий-техника базасини янада кучайтириб, ишчиларнинг даромади ошишига имкон яратмоқда.

Д.ТОШПЎЛАТОВ,
Олмалиқ шаҳар ДСИ бошлиғи
биринчи ўринбосари



ТУВАЛУ «ЧЎКИБ» КЕТАДИМИ?

Тинч океанида жойлашган Тувалу давлати глобал ишчи оқибатида яқин 50 йил мобайнида сув остида қолиши мумкин.

Тувалудаги тўққизта оролнинг умумий майдони аттиги 26 километр квадрат бўлиб, унинг бир қисми яшабга яроқсиз, айрим жойларнинг бандлиги эса денгиз сатҳидан бор-йўғи 1 сантиметр баланд. Мабодо глобал ҳароратнинг ошиши тўғрисида суҳбат қўтарилиб бораверса, яқин 50 йилда Тувалудан асар ҳам қолмайди.

Эътиборлиси, Тувалуда саноат ҳам, армия ҳам йўқ, маҳиналар жуда ҳам, кўчаларнинг умумий узунлиги 8 километрге етди. Аҳоли асосан деҳқончилик ва балиқ овлash билан шуғулланилади. Олимлар орол давлат тақдирини анча вақтдан буён ҳавотирда, лекин айни пайтда Тувалунинг фарқ бўлиши, айниқса, долзарб муаммага айланди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Жинойятга жазо муқаррар

ҚИЛМИШ-КИДИРМИШ

Халқимизда: «Бекорчидан худо безор» деган нақл бор. Бу бежизга айтилмаган, албатта. Негаки, одамзод бошига тушадиган қуфлатларга кўп ҳолларда айнан шу иллат сабаб бўлади.

Обид ва Шахло не-не орзу-ниятлар оғушида турмуш қуришди. Аввалига аҳил-иноқ яшай бошлашди. Бирин-кетин шириндан шакар фарзандлар қуришди. Уларга кўнчилиқнинг ҳавас келарди ўша пайтларда. Аммо, вақт ўтиб, Обид негадир ўзгарди. Тузуққина даромад олиб турган иш жойидан бўшаб, бекорчиликни касб қилиб олди. Натижада Шахло ишлашга мажбур бўлди. Бирок...

Ўша кун Шахло уйига кириб келганида соат чамаси кечки саккизлар эди. Эшикдан кириши билан эрининг авзойини кўрган Шахлонинг бирдан юраги безовта бўлди: «Яна жанжал бошламасайди», деган фикр хаёлидан ўтди. Чунки Обид ҳар кунора сабабсиз хотинини куракда турмай диган сўзлар билан ҳақоратлар, бу ҳам етмагандай ўласи қилиб дўппослар эди. Шахлонинг хаёли алдамагани. Обид хотинини буралаб сўка бошлади. Шахло эса бунга эътибор бермай жимгина ўз юмушлари билан овора бўлди. Шу ёқмадими ёки сўкишу ҳақоратлардан хумори босилмадими, Обид унинг изидан ошхонага кирди. У ерда болаларига овқат иситаётган Шахлога қараб ўдағайлади:

– Бу уйда мен эрманми ё?...
– Эрсиз, чойингизни ичинг, – деди унга жавобан Шахло.
– Унда нега айтганимни қилмайсан? Мен сенга ишлама деган эдим-ку!
– Ишласам рўзғор нима бўлади?

Сиз йил – ўн икки ой бекор бўлсангиз, – ўзини босолмай ҳасрат қилди Шахло. Бу Обидга яхши баҳона бўлди. «Сен ҳам менинг ишламаслигимни юзимга солаёсанми», деб хотинини дўппослай кетди...

Шахло ҳушига келганида вақт алла-маҳал бўлган, болалари бошида йиғлаб ўтирарди. Эри эса бошқа хонада байлиқотир телевизор томоша қиларди. Шахло ўрнидан тураркан, кўзлари жовдираб турган болаларини бағрига босди, сўнг уларни ётоқхонага олиб кирди. Ўша пайтда Шахло учун ҳаётнинг қизиги йўқдай туюлди. Турмуш ўртоғининг сўнгсиз ҳақоратлари, қийноғу азоблар уни бездириб ташлаган эди...

Шахло ўз жонига қасд қилди. Бу Обиднинг қилмишлари оқибати эди. Бу билан Обид Толипов Жиноят Кодексининг 103-моддаси 2-қисми ва 117-моддасининг «б» бандида назарда тутилган жиноятни содир этди.

Аслини олганда, ушбу воқеа кичик бир оилавий можаро, маиший ҳодисадек туюлиши мумкин. Лекин унинг замирида О.Толипов тарбиясида илдиш отган қусурлар бор. Айни шу иллатлар ҳушқўёқча сабаб бўлди. Шу ўринда савол туғилади: наҳотки, ёш оиладаги бу ғавғолардан қариндош-уруғлар, ёр-биродарлар, қолаверса, қўни-қўшилар, маҳалла оқсоқоллари, унчақта инспекторлари беҳабар қолишган бўлса?..

З.ЗИЕДУЛЛАЕВ,
Учтепа туман прокурори катта ёрдамчиси,
О.АБДУЛЛАЕВ,
журналист

Хориж Хабарлари

САЙЛОВ БОШҚА МУДДАТГА КЎЧИРИЛДИ

Ливанда президентлик сайлови 23 октябрга кўчирилди.

Ливан парламентининг мамлакат янги президентини сайлаш учун қақчилган сессияси натижасиз якулланди. Сессияда фақатгина ҳукмрон коалициянинг 65 нафар депутати иштирок этган. Президентлик сайловини ўтказиш учун эса камида 85 та овоз

йиғиш зарур эди. Бунга сабаб муҳофизатнинг президентликка номзод масаласидаги эътирозидир. Оппозиция етакчилари талабига кўра, бўлажак давлат раҳбари номзоди ҳар икки сиёсий томоннинг ҳам қониқтирадиган шахс бўлмоғи лозим.

САРАТОНГА ҚАРШИ КУРАШ

Япония ҳукумати еттиш беш ёшча бўлачақ орасида саратон туғайли вафот этаётганлар кўрсаткичини йиғирма фоиз қисқартиришниг ўн йиллик режасини тасдиқлади, деб хабар беради ИТАР-ТАСС.

Мазкур режа дастури мамлакат соғлиқни сақлаш ва меҳнат вазириликлари ташаббуси билан ташкил этилган махсус кенгаши томонидан ишлаб чиқилди. Япониянинг барча префектуралари раҳбарларига жойларда режани иқлимий, экологик, ижтимоий ва бошқа хусусиятларни инобатга олган ҳолда ҳаётга тадбиқ этиш вазифаси топширилди.

Хабарларга кўра, мазкур режа апрель ойида қабул қилинган Японияда саратон касаллигига қарши кураш тўғрисидаги қонунга асосланган. Режага мувофиқ, касалликнинг олдини олиш учун бир қатор муҳим вазифалар амалга оширилиши лозим. Масалан, йигирма



ёшга тўлмаганлар орасида кашандалликка батамом чек қўйиш зарур. Шунингдек, катта ёшдаги кечувчилар сонини икки баробар қисқартириш режалаштирилган. Режада акс эттирилган вазифалардан яна бири уч йил мобайнида мамлакатдаги саратон касаллигини даволайдиган шифохоналар сонини 360 тага етказишдан иборат.

ПЛАСТИК ПУЛ МУОМАЛАГА КИРИТИЛАДИ

Исроил пластик пул билан муомала қилаётган мамлакатлар сафига кирди.



Келгуси йилнинг февралидан исроилликлар чўнтагидан янги қўринишдаги 20 шикелли купюраларни қўриш мумкин. Мутахассислар фикрича, ушбу купюралар чидамлилиги ва қалбақлаштиришдан юқори даражада ҳимоялангани билан ажралиб туради.

Айни пайтда Австралия, Янги Зеландия ва Гонгконг пластик пулга тўлалигича ўтган бўлса, яна кўпгина мамлакатлар бу янгиликни қисман амалиётга жорий қилган.

МУАЛЛИМ

Назм

Отадек заҳматкаш, отадек буюк,
Онадек меҳрибон, онадек суюк,
Ким бор ундан ортиқ ҳурматга лойиқ,
Дунёда тенги йўқ табарруқ инсон —
Устоз муаллимдир, устоз — муаллим.

Қалбин кўри билан кўзимиз очган,
Йўлимизга умид уруғин сочган,
Қайноқ кучоғида мингларни кучган,
Номи дилдан кўчмас, тилларда дoston,
Устоз муаллимдир, устоз — муаллим.

Қанча буюкларга муқаддас бешиқ,
Саодат уйига элтувчи эшиқ.
Сен ўша, дилларга жон бўлган кўшиқ,
Заковат зиёси ёритган бўстон,
Устоз муаллимдир, устоз — муаллим.

Шогирдлари эрур топган давлати,
Ютуғидан ортар белда қуввати,
Ҳаммага баробар, баланд ҳиммати,
Саховат мулкига камтарин султон,
Устоз муаллимдир, устоз — муаллим.

Боладан аямас ҳатто жонини,
Бесамар ўтказмас бирор онини,
Ҳалолдан топади ҳикмат қаломини,
Миллат ардоқлаган ўша шараф-шон,
Устоз муаллимдир, устоз — муаллим.

Қўлидан тушмайди дафтар, қалами,
Тилидан тушмайди ҳикмат қаломини,
Каттаю кичикча бирдек саломи,
Ҳаёт карвонига беназир сарбон,
Устоз муаллимдир, устоз — муаллим.

Ҳар сўзи жавоҳир, ганжина китоб,
Урфон осмонида чакнаган офтоб,
Туриш-турушининг ўзи бир савоб,
Хурофат йўлига қўйилган қалқон,
Устоз муаллимдир, устоз — муаллим.


Комил СИНДАРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ЭҲТИРОМИМ СИЗГА, УСТОЗЛАР!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дастлаб пойтахтимизнинг Яккасарой туманида жорий йилда янги қурилган 144-мактабда "Мақтаб, оила, маҳалла" йўналиши бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишилди. Истиқлол ме-васи саналадиган мазкур таълим мас-канида янги ўқув йилини бошлаган ўқитувчи ва ўқувчилар билан очик муло-қот ўтказилди. Шунингдек, ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишланган бай-рам тантаналари бўлиб ўтди.

— Мен бу мактабнинг илк қалдирғо-чман, — дейди Ҳамида Аҳмедова. — Бу илм ўқоғининг бундай кўркем қиёфа касб этишини ҳатто ҳаёлимга ҳам келтирма-гандим. Устозлар байрамга бағишлан-ган бугунги тадбирда биз, ота-оналар-нинг ҳам иштироки мактабда яратилган шарт-шароитлар билан янада яқинроқ танишишимизга имкон берди. Болалар-имиз бахтига мана шундай мактаблар-ни барпо этишда кўмак бераётган саҳо-ватли, ғамхўр инсонлар кўпаяверсин.



Носир ҲАЙДАРОВ
олган суратлар.



2007 йилнинг апрель ойида мактаб-да Республика "Меҳр нури" жамғармаси томонидан бошланган таъмирлаш иш-лари август ойида якунланди. Ҳозир бу масканда тикувчилик, бисер, пазанд-чилик ва спорт каби ўндан ортиқ тўғ-рақлар ҳам мунтазам фаолият юритмоқ-да.

Шу кўни Республика болалар бадий ижодиёти Маркази биносининг тантан-али очилиш маросими ўтказилди. Халқ таълими вазирлиги тизимидидаги бу дар-гоҳда Меҳрибонлик уйлари, махсус мак-таб-интернатларда тарбияланаётган 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган истеъдодли, ижтимоий ғамхўр муҳтож ногирон бо-лалар ҳамда кам таъминланган оила фарзандлари тасвирий ва халқ амалий санъати сирларини ўрганишди. Улар-нинг илк машқлари, ясаган буюмлари Япония, Хиндистон, АҚШ, Чехия, Гер-мания, Миср каби мамлакатларда ўтқа-зилаётган халқаро кўргазмаларда намой-иш этилаётди.

— Замоновий талаблар асосида ян-гидан қурилган ижодиёт Маркази истеъ-додли ёшларимизни янада чуқур билим олишлари учун замин яратди, —

дейди зардўзлик сирларини ўргатаёт-ган Муҳайё Ақромжўраева. — Бизнинг асосий мақсадимиз миллий халқ ама-лий санъатининг давомчиларини шакл-лантириш.

Собир Раҳимов туманидаги 28-ум-ий ўрта таълим мактаби "XXI аср мак-таби" деб номланиши беҳиз эмас. Бу ҳаёсаматли бинода яратилган қўлайлик-лар, замонавий ўқув жиҳозларини кўриб-кузатиб, беихтиёр шу мактаб ўқувчиларига ҳавас қиласиз. Президен-тимиз томонидан 2007 йилнинг "Ижти-моий ғамхўр йили" деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон шара-фига қўйилган мактабнинг таъмирлаш иш-лари билан танишилди. 1600 ўринга мўлжалланган бу мактабда тахсил олаётган ёш авлод чеҳрасида Ватанга муҳаббат, фахр-иф-тихор ҳисси порлаб турибди.

Тадбирда Республика Халқ таълими вазирлигининг мутасадди раҳбарлари журналистларни қизиқтирган саволлар-га батафсил жавоб беришди.

Фарҳод ЭСАНОВ,
"Адолат" мухбири



«Адолат» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

НЕЧА ЁШДАН ИШЛАШ
МУМКИН?

Ёшим 15 да. Ишга қирмоқчи бўлиб бир идорага борсам,
ишга қабул қилиш ёшига етмагандан деб рад жавоби бе-
ришди. Шу тўғрисида?

О.Шумуров
Сурхондарё вилояти

Меҳнат кодексининг 77-моддасига асосан ишга қабул қилишга 16 ёшдан йўл қўйилади. 15 ёшга тўлган шахслар эса ота-онасидан бирининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар-нинг ёзма равишдаги рози-лиги билан ишга кириши мумкин.

Ёшларни меҳнатга тайёр-лаш мақсадида умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юрлари ва ўрта мах-сус ўқув юрларининг ўқув-чилари 14 ёшга тўлганла-ридан кейин (ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг розилиги билан) ишлашлари мумкин. Бунда болалар соғлиқлари-га зийн етказмайдиган, таъ-лим жараёнини бузмайди-

ган енгил ишларни ўқишдан бўш вақтларида бажариш-лари зарур бўлади. Умуман ол-ганда, 18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан меҳнат шaroити ноқулай ишларда, ер ости ва бошқа ишларда фойдаланиш, тўғри, иш вақ-тидан ташқари, дам олиш кўнралидаги ишларга жалб этиш тақиқланади, белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва та-шишлари йўл қўйилмайди. Бу тоифадаги ходимлар учун иш вақтининг муддати 16 дан 18 ёшгача бўлган ходим-ларга ҳафтасига 36 соатдан, таътил даврида ишлаётган 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган ходимлар учун эса ҳафтаси-га 24 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.

ИМТИЁЗЛАР
БЕЛГИЛАНГАН

Тўғри вақтда ишловчиларга берилган имтиёзлар тўғрисида
маълумот берсангиз?

Н.Абдуллаева
Тошкент вилояти

Соат 22.00 дан то соат 6.00 гача бўлган вақт тўғри вақт деб ҳисобланади. Агар ходим учун белгиланган кўндалик иш (смена) му-ддатининг камида ярми тўғ-ри вақтга тўғри келса, тўғ-ри иш вақти муддати бир соатга, иш ҳафтаси мудда-ти ҳам шунга мувофиқ ра-вишда қисқартирилади.

Тўғри вақтдаги ишнинг ҳар бир соати учун камида бир ярим барабар миқдор-да ҳақ тўланади. Тўғри

вақтдаги иш учун оширил-ган миқдорда тўланган ҳақ тариф ставкаларига (ман-саб маошларига) қўшил-майди. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори эса жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, каса-ба уюшма қўмитаси ёки хо-димларнинг бошқа вакил-лик органи билан келиши-либ, кечки сменадаги иш учун оширилган миқдорда ҳақ тўлаш назарда тутили-ши мумкин.

БОЛАМНИНГ ИСМИНИ
ЎЗГАРТИРМОҚЧИМАН...

Фарзандимнинг исмини ўзгартирмоқчиман. Бу қандай тар-
тибда амалга оширилиши тўғрисида маълумот берсангиз?

Н.Қобулова
Сирдарё вилояти

Оила Кодексининг 70-моддасига асосан ФЖДЭ органи ота-онанинг бир-галикдаги аризасига биноан бола 16 ёшга тўлгунча қадар унинг исмини ўзгартариш, шунингдек, унга берилган фамилияни ҳам отаси ёки онасининг фамилиясига қараб ўзгартаришга ҳақли.

Агар ота-она алоҳида яшаса ва бола билан бирга яшовчи ота (она) болага ўз фамилиясини беришни хо-ҳласа, васийлик ва ҳомийлик органи бу масалани бола-нинг манфаатларини ва она (ота)нинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилади. Ота ёки онанинг турган жойини аниқлашнинг имкони бўлма-ган тақдирда, улар ота-она-лик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, муомалага ла-ёқатсиз деб топиладиган,

шунингдек, болага таъминот бериш ва тарбиялаш маж-буриятларини бажаришдан ўзсиз сабабларга кўра бўйин товлаган ҳолларда ота ёки онанинг фикрини ҳисобга олиш шарт эмас.

Агар бола ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан тўғил-ган ва оталик қонуний тар-тибда белгиланмаган бўлса, васийлик ва ҳомийлик орга-ни боланинг манфаатлари-ни эътиборга олиб, унинг фамилиясини онанинг му-рожаат қилган давридаги фа-милиясига алмаштириш учун рухсат беришга ҳақли. Ота ёки ўшга тўлган боланинг исми ёки фамилиясини ўзгартаришга фақат унинг розилиги билан йўл қўйи-лади.

Саволларингизга ҳуқуқшунос
Ойбек ДАМИНОВ жавоб бери

МИЛЛИЙ ҚЎШИҚ ЧИЛИГИМИЗ
ЖОЗИБАСИ

Қўшиқ — умрбоқий санъат. Унда миллият ёки элнинг, халқнинг асрий орзу-ниятлари, олижаноб интилишлари муҳассам. Ана бир эътиборли жиҳат шуки, бу санъат таржимонга муҳтож эмас, яхши қўшиқчи ҳамма жойда бирдек севиб тингашади, бирдек ҳадрлашади. Дароқе, миллий қўшиқчилигимизнинг ҳам ўз жозибаси бор — у бутун дунё санъатсеварларини ўзига оҳанрабодек мафтун эта олган. Истеъдодларга бой юртимиздан етишиб чиқ-қан бетақрор овоз ва сўз соҳиблари санъатнинг жаҳона-ро эътироф этиб келинаётгани, айниқса, мустақиллик йилларида дунё сахналарида миллий қўшиқчилигимиз дур-доналари кўп ва ҳўп ингаётгани сўзимиз тасдиғидир.

Дарҳақиқат, юртимиз истеъдодларга бой. Мустақил-лик йилларида миллий қўшиқчилигимизга қарати-лаётган юксак эътибор са-мараси ўлароқ, бугун ўнлаб талантли ёшларимиз хори-жий мамлакатларда бўлиб, умрбоқий санъатимизни зўр муваффақият билан тарғи-б-ташвиқ қилишмоқда. Ана шундай умидли ёш хонан-даларимиздан бири, Ўзбе-кистон Давлат консерва-торияси талабаси Фарҳод Қамбаров яқинда "Ниҳол" мукофоти совриндори, де-ган юксак унвонга муносиб қўрилди.

— Ростини, бу мукофотни менга беришларини сира кутмаган эдим, — дейди ёш хонанда. — Негаки, санъат-га эндигина кириб келаяп-ман: ҳали кўп ўқиб-ўргани-шим, изланишим, устозла-римдан сабоқ олишим за-рур, деб ҳисоблайман. Му-ҳими, "Ниҳол" мукофоти мен учун катта рағбат бўлди. У мени янада изланишга ун-дади.

— Ҳозирги пайтда кўп-кўп ёш хонандалари-миз эстрада йўналишида фаолият олиб боришга интилишмоқда. Сиз эса, улардан фарқи ўлароқ, академик хонандачилик йўналиши бўйича иҳод қилаёсиз. Айнан шу йўналишнинг танлашингиз-га сабаб нима?

— Тўғри, эстрада йўнали-шида иҳод қилаётган ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Лекин шуни ҳам айтиш ке-ракки, қўшиқчиликда ҳар бир йўналишнинг ўзига яра-ша қийинчиликлари бор.

Мен дастлаб Фарғона шаҳридаги 1-музыка макта-да рубоб мутахассислиги бўйича тахсил олганман. Мактабни тамомлагач, Фар-ғона санъат билим юртига айнан шу, созандалик йўна-

лиши бўйича ўқишга кирмоқ-чи бўлдим. Шунда устозим Баҳриддин Шаропов қўшиқ ҳам айта оласанми, деб сураб қолди. Мен рубобда куй қилиб, қўшиқ ижро этиб бердим. Овозимни эшитиб кўргач, у академик хонанда-чилик йўналиши бўйича



2007

ўқишга ҳужжат топшири-шимни таклиф қилди. Усто-зимнинг маслаҳати туртки бўлиб, Фарғона санъат би-лим юртида академик хонан-дачилик бўйича таълим ол-дим. Бир қанча танловлар-да иштирок этиб, ғолиб бўлдим. Консерваторияда ҳам ушбу йўналиш бўйича тахсил олаяпман. Айни дам-да устозларим кўмағида опера ва миллий қўшиқчи-лик санъати устида изла-нишлар олиб бораёпман.

— Биламизки, ан-самблида ҳам хонанда сифатида фаолият олиб бораёсиз. Ўтган йили Бельгияда бўлган ансам-блининг ижодий сафарин-да хорижлик қўшиқчи би-лан айтишув қилган эдингиз. Бу телевидение орқали ҳам намойиш этилди...

— Бельгияга қилган са-фаримиз хотирамда ўчмас э қолдирган. Ушунда биз билан бирга яна саккизта мамлакатдан хонандалар боришган эди. Бир кўни пе-рулик қўшиқчи гитарасида ўз она тилида қўшиқ айтди. Мен операда чет эл қўшиқ-ларини кўп қўйлаганим учун ҳам қийинчиликсиз унинг қўшиғини такрор айтиб бер-дим. У эса бизнинг миллий қўшиқларимизни қўйлашга бироз қийналди. Ана шун-да мен миллий қўшиқ санъ-атимиз нақадар мукамал ва нозик эканлигини, ўзбек-ча қўшиқ айта олган киши, албатта хориж қўшиқлари-ни маромига етказиб қуй-лай олишини англаб етдим.

Мактаб нафақат таълим-тарбия маскани, балки ёш авлод қалбига эзгулик туй-ғуларини камол топтирадиган кўтлуг маскан. Муаллим эккан кўчлар, вақт ўтиб, албатта ўз мевасини бера-ди. Йиллар ўтди. Бугун Ни-ҳол бобо эккан ниҳоллар ме-вага кирди. Устоз бундан беҳад хурсанд. Шогирдлари устозни тез-тез йўқлаб, ҳол сураб келиб туришди. Бун-дан ҳам катта бахт борми? Ойлада сийлашса, кўча-қуй-

да эъзозлашса, тўйларда давранинг тўрига кўтариш-са — инсонга бундан ортиқ яна нима керак?! Қадр де-гани шу эмасми, ахир. У муал-лимликдан эъзоз топди, хур-матга сазовор бўлди.

Ниҳол бобо 1997 йили Жа-сафарида бориб келди. Энди уни таниш-билишлари Хожи ота, деяр ҳурмат қилишди. Бугун у 25 нафар набира-нинг суюкли бобоси. Жажжи болакайлар учун юзларидан нур ёғилиб турадиган бобо-лари меҳр-муҳаббат, саҳий-лик ва адолат тимсоли. Сак-сон уч бахорни қаршилаган Ниҳол бобо ҳали тетик. Ўзоқ умр кўриш сирини сўраган-нимизда, пиру бадавлат ота-хон шундай жавоб берди:

— Инсон ҳаётини севиб, одамларга, жамиятга фойда келтириб, ўз касбини ардоқ-лаб яшаши керак. Шунда ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади. Меҳр кўрсатмасан-гиз, ким сизга меҳр беради. Яна бир ҳақиқат шуки, яхши ният кишини улуглайди. Халол меҳнатнинг роҳати бисёр. Мана, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Мам-лакатимизда бўлаётган бу-нёдкорликларни, яратилаёт-ган имкониятларни кўриб кўнгилм тоғдек ўсади. Шу кўнларни раво кўрган Ярат-дан ҳам катта бахт борми? Ойлада сийлашса, кўча-қуй-

НИҲОЛ БОБО НИҲОЛЛАРИ

Бугун Ниҳол бобонинг кайфияти чоғ. Пойтахтда яшайдиган ўли Саторжон болалари қишлоққа келаяпти. Бобо ўғлини, на-бирларини соғинган экан, бу хушхабардан боши ос-монга етди. Энди ота-бала мириқиб гурунглашади. Бо-бонинг кўзлари йўлда, ҳар тўхтаган машинадан ўғли ту-шиб келаятгандек, йўлга қараб-қараб қўяди...

Ниҳол Қувватов Қўшрабoт туманидаги Чиммос қишло-ғида дунёга келди. Тақдир экан, яхши кўнларни ҳам, ёмон кўнларни ҳам бошидан ўтказди. Унинг навқирон йи-гитлик пайти урушга тўғри келди. Бахти бор экан, со-мон қайтди. Қишлоғига ке-либ, Солиха исми қизга уй-ланди. Тумандаги 64-мак-табда ўзоқ йиллар ўқитув-чилик қилди.

Мактаб нафақат таълим-тарбия маскани, балки ёш авлод қалбига эзгулик туй-ғуларини камол топтирадиган кўтлуг маскан. Муаллим эккан кўчлар, вақт ўтиб, албатта ўз мевасини бера-ди. Йиллар ўтди. Бугун Ни-ҳол бобо эккан ниҳоллар ме-вага кирди. Устоз бундан беҳад хурсанд. Шогирдлари устозни тез-тез йўқлаб, ҳол сураб келиб туришди. Бун-дан ҳам катта бахт борми? Ойлада сийлашса, кўча-қуй-

да эъзозлашса, тўйларда давранинг тўрига кўтариш-са — инсонга бундан ортиқ яна нима керак?! Қадр де-гани шу эмасми, ахир. У муал-лимликдан эъзоз топди, хур-матга сазовор бўлди.

Ниҳол бобо 1997 йили Жа-сафарида бориб келди. Энди уни таниш-билишлари Хожи ота, деяр ҳурмат қилишди. Бугун у 25 нафар набира-нинг суюкли бобоси. Жажжи болакайлар учун юзларидан нур ёғилиб турадиган бобо-лари меҳр-муҳаббат, саҳий-лик ва адолат тимсоли. Сак-сон уч бахорни қаршилаган Ниҳол бобо ҳали тетик. Ўзоқ умр кўриш сирини сўраган-нимизда, пиру бадавлат ота-хон шундай жавоб берди:

— Инсон ҳаётини севиб, одамларга, жамиятга фойда келтириб, ўз касбини ардоқ-лаб яшаши керак. Шунда ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади. Меҳр кўрсатмасан-гиз, ким сизга меҳр беради. Яна бир ҳақиқат шуки, яхши ният кишини улуглайди. Халол меҳнатнинг роҳати бисёр. Мана, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Мам-лакатимизда бўлаётган бу-нёдкорликларни, яратилаёт-ган имкониятларни кўриб кўнгилм тоғдек ўсади. Шу кўнларни раво кўрган Ярат-дан ҳам катта бахт борми? Ойлада сийлашса, кўча-қуй-

албатта, муродига етади.

...Кўрпача устида ёнбош-лаб ҳаёл сўраётган Ниҳол бобо енгил машинанинг ёқимли сигналичан серка-ланди. Машинадан биринчи бўлиб тушган Саторжон кўчоқ очиб отаси томон та-пинди. Ота-бала кўчоқлашиб кўришди. Бирпасда Ўс-мон, Исмаи, Қодир акалари ва Алихон укаси ҳам хабар топиб келиб қолди. Ниҳол бобонинг ҳовлисига одам тўлди. Қўни-қўшинлари чи-қишди. Бобонинг кўзларидан кўнчон ёшлари йилтирди.

Ниҳол бобо бугун ўз меҳ-натларининг роҳатини кўра-япти. Бундай оромни ҳалол меҳнат закини тўйган ин-сонларига тўшунади. Дий-дорлашувдан барча қарин-дош-уруғлар ҳам хурсанд бўлишди. Шу кўни кўнгли тоғдай кўтарилган Ниҳол бобо тунда алламаҳалгача ухлай олмади. Ахир, эртага катта байрам: Ўқитувчи ва мураббийлар кўни. Эрталаб-дан табриклагани шогирдла-ри келиб қолади. Саторжон-нинг ташрифи яхши бўлди. Шундай шодон ҳаётлар бил-лан бобонинг кўзлари илмин-ди. Тонг саҳарда туриб яхши ният ила дўстлари, шогирд-ларини кутди. Уларга астой-дил чироили дастурхон яса-тиб қўйди...

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

КУБОК КИМГА
НАСИБ ЭТАРКИН?

Футбол бўйича Ўзбекистон ку-боги ярим финал баҳсларининг дастлабки учрашувлари бўлиб ўтди. Биринчи ўинида «Пахтакор» Фарғонанинг «Нефтич» жамоасини қабул қилди. Иккинчи учрашув эса Муборакда «Машъал» — «Кўрувчи» жамоалари ўртасида кечди.

«Пахтакор»даги баҳсда гарчи кўпчилик мезбонлар галабасини баъшорат қилган бўлса-да, учрашув янрик ҳисобда якунланишини кут-маган эди. Голларга бой ўтган ўинида ҳисобни меҳмонлар ваки-ли Санжар Аскаралiev очди. Бун-га жавобан ҳужумкор футбол на-мойиш қилган пахтакорчилар «Не-фтич» жамоаси дарвозасини тўрт маротаба аниқ нишонга олишди — 4:1. Тўпларни Зайниддин Тожиев, Илхом Суенов, Сервер Жепаров ва Тимур Копадзелар киритди.

«Машъал» — «Кўрувчи» жамоала-ри ўйини ҳам муросасиз кечди. Аммо учрашувда ҳисоб очилмади. Финалчилар номи 6 ноябрь кўни ўтказиладиган жавоб ўйинларидан кейин аниқ бўлади.

ЭШКАКЧИЛАРИМИЗ
МУВАФФАҚИЯТИ

Жанубий Кореяда байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича нав-батдаги Осиё чемпионати ўтказил-ди. Унда мамлакатимиз терма жа-моаси ҳам муносиб иштирок этди.

Пекин олимпиадасига йўллан-ма бевручи баҳслар олдидан ўзига хос синув бўлган мазкур му-собақада XIV Осиё ўйинлари со-вриндори Вадим Миньков яна ўзини кўрсатди. 500 ва 1000 метр масофаларга каноэда эшак эшиш бўйича Вадим китбада тен-гсиз эканлигини кўрсатиб, қўшалоқ олтин медаль билан тақ-дирланди.

Байдаркачимиз Сергей Борзов (500 метр) яккалик баҳсларида маррага иккинчи бўлиб етиб кел-ган бўлса, Сергей билан тўртлик мусобақасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Владимир Осо-кин, Вячеслав Горн, Алексей Пи-тяковлар 1000 метр масофага эш-как эшиш бўйича ҳам қумуш ме-далларга муносиб топилди. Ка-ноэчиларимиз Герасим Кочнев — Серик Мирбеков жуфтлиги (1000

метр) шоҳсупанинг иккинчи пого-насидан жой олишди.

Бундан ташқари, китба чемпи-онатида яна байдаркачиларимиз учта, каноэчиларимиз эса иккита бронза медалларига сазовор бўлишди.

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Белорусиянинг Брест шаҳрида ўсимлар ва қизлар ўртасида I Евро-осиё ўйинлари бўлиб ўтди. Унда Россия, Беларусия, Украина, Ўзбе-кистон, Қозғистон, Литва сингари ўнта мамлакат спортчилари спорт-нинг 11 тури бўйича ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Беш қум довом этган баҳслар якунида ҳамюртларимиз умумжа-моа ҳисобида 8 та олтин, 9 та ку-муш ва 6 та бронза медалига сазо-вор бўлишди. Вакилларимиздан Шукуралло Дадажонов, Олим Тош-кенбоев (эркин кураш), Гулшаной Сатторова, Анастасия Свечникова, Валерия Канатова (енгил атлетика), Жасур Эгамбердиев (белбоғли кураш), Шоҳрух Қўчқоров, Рифат Раҳматуллаев (самбо)лар олтин ме-даллар билан тақдирланди.

А.ТУРДИЕВА

Спорт

Ранг-баранг олам

* Жаҳон бўйича энг кўп ки-тоби сотилган ёзувчи Агата Кристи ҳисобланади. Унинг китоблари 1920 йилдан бери инглиз тилида 1 миллиард нусхада сотилган. Яна 45 тил-да таржима қилинган тўплам-лари ҳам шунча нусхада сав-дога чиқарилган.

* АҚШнинг Аризона шта-тида қактусини ердан сугир-иб олган киши 25 йилга озодликдан маҳрум этила-ди. Туя овлаганлар эса кат-та миқдорда жаримага тор-тилади.

* Энг кўп кўприк Санкт-Пе-тербургда. Уларнинг умумий соғи 539 тани ташкил этади.